Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

janubiy.kz

2024 йил 29 октябрь, сешанба, №126 (3472).

# ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «БРИКС ПЛЮС» САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан БРИКСга аъзо давлатлар раҳбарларининг XVI саммитида иштирок этиш учун Қозон шаҳрига борди.**




Давлат раҳбари тадбир доирасида Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғон, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин ва Мўғулистон Президенти маъмурияти раҳбари Гомбожавин Занданшатар билан учрашди ва маъруза қилди.

– Бизнинг фикримизча, қашшоқлик, тенгсизлик, саводсизлик каби муаммоларнинг асосий сабабларини биргаликда бартараф этиш халқаро сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий омили бўлиб қолмоқда. Қозоғистон БМТ Хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилиш ва унинг таркибини Африка, Лотин Америкаси ва Осиё давлатларидан янги аъзолар ҳисобига кенгайтириш таклифини қўллаб-қувватлайди. Тинчлик ва хавфсизлик масалаларини ҳал этишда БРИКС дунёвий бошқарув тузилмаси асосий ўрин эгаллаши мумкин, – деди Президент.

(Давоми 2-бетда). ▶




## *Буюк мутафаккирга эҳтиром*

**Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қунанбаев ҳайкалининг очилиш маросими ўтди.**

Тадбир Қозоғистон Президентининг БРИКСга аъзо давлатлар раҳбарларининг XVI саммити доирасида ўтди.

Маросимда Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева, Татаристон Республикаси Маданият вазири Ирада Аюпова, Қозоғистон Республикасининг Қозон шаҳридаги Бош консули Ерлан Исқақов, Татаристон Ёзувчилар уюшмаси раиси Ркаил Зайдуллин, шунингдек, шаҳар аҳолиси ва қозоқ миллий-маданий мухторияти вакиллари иштирок этди.

**ҚР Маданият вазирлиги маълумотлари асосида.**

## НИҲОЛ ЭККАН ИНСОН ҚАЛБИДА ҚУЁШ ЧАРАҚЛАР

Таза Қазақстан
Жалпыұлттық экологиялық акция



**Кўчат экиб, боғ яратмоқ дунёдаги энг хайрли ва эзгу амал саналади. Мана шундай қадриятлар йиллар оша авлодлар амалида ҳам давом этиб, "Тоза Қозоғистон" дастури бугун юртимизда Президент ташаббуси билан умуммиллий ҳаракатга айланди. Дарахт экиш ишларига тажрибали боғбону отахонлар бош бўлиб, уларнинг бенуқсон ўсиши йўлида фарзандларга зарурий маслаҳатларини, насиҳатларини ҳам бериб бормоқдалар.**

Республика байрами муносабати билан вилоят марказида 100 туп дарахт ўтқазилди. "Тоза Қозоғистон" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди, давлат идоралари раҳбарлари, зиёлилар, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари, ишчилар ва шаҳар аҳолиси иштирок этди.

Улар марказий масжид ҳовлиси, "Карвон сарой" мажмуаси ёнидаги "Арена" олдига ҳамда Туризм университети ёнига манзарали дарахт кўчатлари, шунингдек, терак, қайрағоч ва чинор кўчатлари ўтқаздилар.



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, тадбир иштирокчилари билан биргаликда кўчат ўтқазиб, тадбир экологик келажак сари муҳим қадам эканини таъкидлади.

– Ушбу меҳнатлар самарасидан жойларда турли боғлар яратилиб, яшил майдонлар янада кенгайтирилмоқда. Гўзал шаҳримиз янада ям-яшил, чирой очиб бориши учун барча фуқароларни ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақираман, – деди вилоят ҳокими. – Кўкаламзорлаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жорий йил охиригача вилоят бўйича 500 минг тупдан ортиқ кўчат экиш режалаштирилган. Ҳозирда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**




● Обуна–2025

## «ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

**Қадрли муштарий!**

*2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.*

*Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.*

*Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилмоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилинг.*

*Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.*

**6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲЖ орқали – 3415,50 тенге;**

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466




## ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, давлат ва жамоат хизматидаги фидокорона меҳнати, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар тақдирланди:**

**III даражали "Барыс" ордени билан:**

**Абишов Нурали Алмаханули** – Туркистон вилоят маслаҳати раиси.

**"Парасат" ордени билан:**

**Мария Зайтунқизи** – таълим соҳаси фахрийси;
**Серикбай Ибадуллаули Ибадуллаев** – давлат хизмати фахрийси;
**Қайиржанова Маруа** – таълим соҳаси фахрийси;
**Сейтимбетов Сахидулла Рахматуллаули** – соғликни сақлаш соҳаси фахрийси;
**Турисбеков Сексенбай** – қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси.

**"Құрмет" ордени билан:**

**Ағабеков Тўле** – қишлоқ хўжалиги фахрийси;
**Айгенжиева Тўлқин Тилекқизи** – Туркистон вилояти, Жетисай туманидаги Динмухамед Қўнаев номли 9-сонли IT мактаб-лицейи директори;
**Аймурзаев Аманғали Туктибайули** – давлат хизмати фахрийси;
**Абилдабек Жазилбек Абилдабекули** – "Байдибек-несие" кредит компанияси раиси;
**Дилдабеков Марат Шабланули** – Жетисай тумани, "Шаблан" деҳқон хўжалиги раиси.
**Жилқибаев Ғалим Жуматули** – "Төлеби автобус паркі" МЧБ директори;
**Қадирбайқизи Фатима** – қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси;
**Қайипбеков Асет Абдирашули** – "Корпорация "Сити-Строй" МЧБ раиси;
**Жарилқасин Мелдешов** – соғликни сақлаш соҳаси фахрийси;
**Менлиқулов Барис Турғанбекули** – қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси;
**Мустафаева Улжалғас Абенқизи** – маданият соҳаси фахрийси;
**Сақибек Жумадил Сақибекули** – қурилиш соҳаси фахрийси;
**Таукеева Жанат Пазилбекқизи** – таълим соҳаси фахрийси;
**Холметова Наргиза Йўлдош қизи** – Саврон тумани, Ал Форобий номидаги умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари.

**III даражали "Еңбек даңқы" ордени билан:**

**Абиш Шарипа Абдижаппарқизи** – "Қазына" деҳқон хўжалиги раиси;
**Санаев Қасимбек Бектўреули** – "НҰРАЛЫЖОЛ-Ж" деҳқон хўжалиги механиги;
**Тасбўлатов Анарбек Асанули** – вилоят тез тиббий ёрдам хизмати ҳайдовчиси.

**"Ерлігі үшін" медали билан:**

**Бағзатхан Есимхан Адетханули** – Кентов шаҳар ички ишлар бўлимининг участка нозири.

**"Ерен еңбегі үшін" медали билан:**

**Абишев Иқбол Ҳабибулла ўғли** – Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари;
**Алибаева Салтанат Асеттиллақизи** – Темирлан ободонлаштириш муассасаси директори;
**Алтаева Жанар Елеусизқизи** – М. Ломоносов номидаги мактаб-гимназия ўқитувчиси;
**Атемқулов Асқар Исабекули** – қишлоқ хўжалиги фахрийси;
**Ақилбекова Дариха Сахқизи** – Туркистон шаҳар марказий касалхонаси ҳамшираси;
**Ахметов Сейилхан** – Саврон тумани фахрийлар ташкилоти бўлими раиси;
**Аширбаев Батирбек Мирзакелдиули** – "Integra Construction KZ" МЧБ филиали директори;
**Айтек Зауре Абдиразаққизи** – парадзюдо бўйича Осиё чемпионатининг бронза медали совриндори;
**Балтабаев Даулет Ўсимқулули** – Мақтаарал туман "Мырзакент" шифохонаси шифокори;
**Батаев Бахтияр Сейдаханули** – "Ижтимоий тотувлик" муассасаси Сайрам туман бўлими мутахассиси;
**Бекишов Қурманғали Абиули** – "Волковгеология" ҲЖнинг 5-сонли бўлими раҳбари;
**Жантаев Ақилбек Желеубайули** – Тулкибош туман марказий шифохонаси шифокори;
**Икапова Индира Сарқитқизи** – "Оқушылар сарайы" ДКК директори, Туркистон шаҳри;
**Қўжабекова Айсулу Базарбекқизи** – суд тизими меҳнат фахрийси;
**Медетбекова Жупар Бегалиқизи** – давлат хизмати фахрийси;
**Науризбаев Қуанишбай Мўлдаразахули** – Арис шаҳридаги "Жасыл Арыс" муассасаси устаси;
**Ўринбаев Нуржигит Шакирули** – Қазиғурт туманидаги "Сапа – 2002" МЧБ чўпони;
**Рискелди Айнагул Смайилқизи** – "Отырар" кутубхонаси директори;
**Сердали Бекжигит Кенжебекули** – Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университети профессори;
**Сламов Бексултан Мирсултанули** – қурилиш соҳаси фахрийси;
**Мария Сланова** – таълим соҳаси фахрийси;
**Талбидин Закирхан Раманқулули** – таълим соҳаси фахрийси;
**Сейдуали Темирбаев** – маданият ва санъат фахрийси;
**Туймебаев Нуржан Бахитжанули** – "QAZAQGAZ AIMAQ" ҲЖнинг Туркистон ишлаб чиқариш бўлими директори;
**Ўтебаев Ўринбек Тастанбекули** – "Қайнар" деҳқон хўжалиги раиси;
**Шилманов Турарбек Абилбаттаули** – ҳуқуқ-тартибот идоралари фахрийси;
**Шмелева Ольга Александровна** – "Туркистон вилояти сув спорти бўйича олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби" ДКК спортчиси.

(Давоми 2-бетда). ▶



# ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

**25 октябрь – Республика куни арафасида Туркистон шаҳрида 260 квартирали, 3та кўп қаватли уй соҳибларига топширилди. Шаҳарликларнинг қувончини бирга баҳам кўриш мақсадида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди махсус ташриф буюриб, уларга бошпана калитларини топширди.**

– Сизларни байрам билан муборакбод этаман! Мустақил элимиз доим гуллаб-яшнасин! Ушбу қутлуғ байрам арафасида уй олган бир гуруҳ вилоят маркази аҳолисининг қувончи чексиз. Биз аҳолини бошпана билан таъминлаш йўналишидаги ишларни тўхтатмаймиз, – деди Дархан Сатибалди.

Туркистон шаҳрининг “Ўтрор” шўъбаси ҳудудида 20та уй қурилиши бошланди. Унинг 9таси “Бастау” корпорацияси орқали харид қилиниб, навбатда турганларга берилмоқда. Бугун 3та уй 123 кўп болали оилага, 129таси аҳолининг “ижтимоий кам таъминланган гуруҳлари” тоифасидаги фуқароларга ҳамда 8таси етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга берилди.

Бугунги кунда бошпанага муҳтож 16 515 нафар фуқаро уй навбатида турибди. Маҳаллий фуқароларни бошпана билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жорий йил вилоят марказида навбатда турган 222 оилага бошпана ижарага берилди. Шунингдек, йил сўнггига қадар навбатдаги фуқароларни уй билан таъминлаш мақсадида 1728 квартирали 20та кўп қаватли уй қурилиши олиб борилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

# ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «БРИКС ПЛЮС» САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Шундан сўнг Давлат раҳбари Қозоғистоннинг БРИКСга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми жадал суръатлар билан ўсиб бораётганини таъкидлади. Бу кўрсаткич ўтган йили Қозоғистон ташқи савдо ҳажмининг ярмига етди. Қ. Тўқаевнинг таъкидлашича, савдо ва сармоя, IT технологиялар, муҳим фойдали қазилмалар, озиқ-овқат хавфсизлиги, таълим ва туризм ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

– 2023 йилда Қозоғистоннинг Иттифоқ мамлакатлари билан савдо айланмаси жадал ўсиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз, бу бизнинг ташқи савдо айланимининг деярли ярмини ташкил этди. Савдо ва сармоя, ахборот технологиялари, муҳим фойдали қазилмалар, озиқ-овқат хавфсизлиги, таълим ва туризм каби муҳим тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интиламиз. Қозоғистон БРИКС маконида транзит-транспорт ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун яқин ҳамкорликка тайёр. Мамлакатимизда “Поезд ва йўл” ташаббуси, шунингдек, “Шимол-Жануб” халқаро транспорт йўлагини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Уларнинг Каспий денгизи билан Осиё ва Европани Қозоғистон орқали боғлайдиган Транскаспий халқаро транспорт йўналиши билан боғланиши узоқ муддатли истиқболда жаҳон савдосига кучли мультипликатив таъсир кўрсатиши мумкин, – деди Давлат раҳбари.

Қ. Тўқаев Қозоғистон Россиянинг ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали геосиёсий кескинликни камайтиришга қаратилган Евроосиёда тенг ва ажралмас хавфсизликни яратиш концепциясини юксак қадрлашини айтди.

– Қозоғистон Хитойнинг халқаро барқарорликни сақлаш, суверенитетни ҳимоя қилиш, кўп томонлама ёндашувлардан фойдаланиш ва можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган дунёвий хавфсизлик ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Қозоғистон Хитой ва Бразилиянинг Украина бўйича тинчлик режасини қўллаб-қувватлайди, – деди Президент.

Йиғилишда сўзга чиққан Россия Президенти Владимир Путин БРИКС бўйича ҳамкор давлатлар рўйхатини тузиш ва уни якуний декларацияга киритишни таклиф қилди. Шунингдек, у 30дан ортиқ давлат БРИКСга қўшилишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**Akorda.kz. маълумотлари асосида.**

# ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

**“Шапағат” медали билан**

**Асилбаева Рита Нуртанқизи** – Келес тумани “Абай” касалхонаси ҳамшираси;

**Бактикерей Ўмар Асенули** – Чордара тумани “Шебер” ногиронлар жамияти директори;

**Бегайдарова Лайла Ўмиртайқизи** – вилоят соғликни сақлаш бошқармаси бўлим бошлиғи;

**Есенбекқизи Қарашаш** – таълим соҳаси фахрийси;

**Қудайқулов Серик Жаппарқулули** – “Қозоқ кўзи ожизлар жамияти” Туркистон вилояти бўлими вакили;

**Мусаева Ақилгек Қурбанқизи** – қишлоқ хўжалиги фахрийси;

**Пернебекова Бубихадиша Садиққизи** – ижтимоий соҳа фахрийси;

**Турусбеков Сакен Абдиразақули** – вилоят болалар шифохонаси шифокори;

**Маннопова Озода Баҳодирқизи** – “Haileybury Astana School” нодавлат ҲЖ ўқитувчиси.

**“Қозоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони билан:**

**Мамадалиева Махсуда Бобожон қизи** – Саврон туманидаги Ал Форобий номли умумтаълим мактаби директори.

Мурувват

# “ҮЛЕС”ДАН МУҲТОЖЛАРГА 45-УЙ



**Республика куни арафасида кам таъминланган оилаларга “Үлес” хайрия жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан яна иккита уй фойдаланишга топширилди. Улардан бири – 4 фарзандли туркистонлик Ф. Аҳмаджонова.**

Умр йўлдоши вафот этган. Тўрт хонали янги уйга кўчиб ўтган хонадон соҳибасининг фарзандлари билан қувончининг чеки йўқ. Уйни соҳибларига топшириш тантанасида вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси “Жамоат тотувлиги” коммунал корхонаси раҳбари ўринбосари Ерназар Баетов, вилоят, шаҳар оқсоқоллар жамоат ташкилотлари раҳбарлари, фахрий отахонлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.



Яна бир уй Саврон туманига қарашли Югнак қишлоғидаги муҳтож оилага берилди. Қишлоқ фаоллари билан мактабни 2004 йили тамомлаган собиқ синфдошлар ҳамкорликда муҳтож оилага янги уй қуриб берди. Хонадон соҳиби А. Ҳайдаров ҳимматли инсонларга миннатдорчилик билдириб, дуо қилди.

Тадбирда қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, олим Иброҳим Отажонов иштирок этди.

– Муҳтожларга мададкор бўлган, хайрли ишга ёрдам берган барча тадбиркорларга, усталарга ва ҳимматли ҳамюртларимизга миннатдорчилик билдираман. Келгуси ярим йилликка обуна давом этмоқда. “Жанубий Қозоғистон” газетасига 200 нусха обунани уюштирдик. Шимкент шаҳри, Сайрам тумани ва бошқа шаҳар, туманлар хайрия ташкилотларини ҳам обунага ҳисса қўшишга чақираман.

**Райимжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**вилоят “Үлес” хайрия жамғармаси ҳамда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.

Бир туман хабарлари

# МИЛЛИЙ БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

**Республика куни муносабати билан Қ. Жандарбеков номидаги Маданият уйида ўтган тантанали тадбирда Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов йиғилганларни байрам билан табриклади.**

– 34 йил аввал, ушбу кун Республикамиз Мустақиллиги декларацияси қабул қилинган эди. Бу мустақиллик сари интилаётган ёш давлатимиз ҳаётидаги улкан воқеа бўлди. Шу боис, ушбу кун халқимиз ҳаётидаги унутилмас саналардан бири ҳисобланади. Эгамен элимизнинг қутлуғ айёми муборак бўлсин! Барчангизга мустаҳкам соғлик, фаровонлик, оилаларингизга улкан бахт тилайман! Юртимиз омон, халқимиз тинч бўлсин! – деди у.

Шундан сўнг туман ҳокими А. Сабитов ва туман маслаҳати раиси Ш. Холмуродов туманнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маънавий тараққиётига ҳисса қўшган С. Акромов, Х. Муҳиддинов, А. Мирзалиев, Ў. Букурова, Р. Туребаев, И. Притула, Т. Абдраманов, Д. Алметова, Р. Ерназарова, М. Гусейнов, А. Турсунқулов, Е. Асилбекова, М. Байғараева, Т. Тўлендиев, К. Дуйсебеков, А. Абдраман, Қ. Кенжебаев, С. Кенжебеков, Е. Жайлаубеков, Қ. Қўжамбердиев, Т. Раимбердиев, Ш. Қурбоналиев каби меҳнат фахрийларини “Сайрам туманининг фахрий фуқароси” унвони билан тақдирладилар. Шунингдек, вилоят миқёсида ўтган “Олтин куз – 2024” тадбиридаги фаол иштироки ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлари учун Қорабулоқ, Қайнарбулоқ, Қорасув қишлоқлари ҳокимлари К. Абдулаҳадов, Е. Дуйсебаев ва А. Бурбековга туман ҳокимининг ташаккурномалари топширилди.

Театрлаштирилган саҳна кўринишларида тарихнинг олтин зарварақлари намойиш этилди. Ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлар иштирокчилар кайфиятини кўтарди.






Маориф

# ДАВЛАТ ТИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

**Оқсувкент қишлоғидаги М. Ауезов номли умумий ўрта мактабда “Мослашув шакли асосидаги ишларнинг услубий тизими” мавзуида амалий семинар ўтди.**

Тадбир вилоят таълимни ривожлантириш марказининг “Аралаш мактабларда давлат тилини ўқитиш сифатини ошириш: мақсад, изчил саводхонлик, ватанпарварлик” мавзуидаги ўн кунлик дастури доирасида ташкил этилди. Мақсад – давлат тилини ўрганиш орқали болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш эди.

Унда вилоят таълимни ривожлантириш маркази қозоқ тили ва адабиёти фани услубиятчиси Ақмарал Аблаева, туман таълим бўлими услубиятчиси М. Шўнтукова, мактаблар раҳбарларининг ўринбосарлари ва ўқитувчилар иштирок этишди. Таълим муассасаси раҳбари М. Нуров мактабнинг тарихи ва ютуқлари ҳақида гапирди.

“Тил – комил келажак пойдевори” номли адабий кечада қозоқ алифбоси ҳақида видеолавҳа намойиш этилди.

Концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

# ФОТИҲАГЎЙ НУРОНИЙЛАР ТАНЛОВИ ЎТДИ

**“AMANAT” партияси Сайрам туман бўлими ташаббуси билан Оқсувкент қишлоғидаги “Фаол узоқ умр кўриш маркази”да “Фотиҳагўй нуронийлар” танлови ўтди.**

Ундан кўзланган мақсад – “AMANAT” партиясининг “Фахрийларни эъзозлайлик” ва “Миллий мерос” лойиҳаларини тарғиб қилиш, ҳамжиҳатликка даъват этиш, анъаналарни улуғлашдан иборат эди.

Тадбирда тумандаги 11та қишлоқдан нуронийлар иштирок этишди. “AMANAT” партияси Сайрам туман бўлими ижроия котиби Қуаниш Сиздиқов, туман маслаҳати депутати, фракция аъзоси Дархан Айдарханов, Оқсувкент қишлоғи ҳокимининг ўринбосари Нурсултан Алиев, туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими раҳбари Нурлан Сарибековлар иштирокчиларни табриклаб, омад тиладилар.

Танлов ғолибларига диплом, ташаккурнома ва миллий либослар топширилди. Иштирокчилар ўз навбатида ташкилотчиларга, халқ вакилларига миннатдорчилик билдиришди. Тадбирда Е. Сарманов номидаги коллеж ўқувчилари, ёшлар, партия фахрийлари, нафақадорлар, зиёлилар, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

**З. МЎМИНЖОНОВ.**

# ГАЗЕТА – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЎТКИР ҚУРОЛИ



**Даврий нашрлар раҳбарлари ва журналистлари, жумладан, ҚР Журналистлар уюшмасининг вилоят бўлими раиси в. б. М. Даулетов, “DIDARBEK.kz” ахборот агентлиги директори А. Асенди, “Жас алаш” газетасининг махсус мухбири Б. Даут, журналист Б. Тайжан, “Өзге пікір” газетасининг бош муҳаррири Ш. Мўлдабек, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси директор-бош муҳаррири Р. Алибоев, “Минтақавий алоқалар хизмати” бўлими раҳбари Т. Байтас ва бошқалар Тўлебий туманида «Төлеби туы» газетаси ходимлари билан учрашув ўтказишди.**

Нашр бош муҳаррири Абдималик Рахманқулов меҳмонларни таҳририят фаолияти билан таништирди.

“Төлеби туы” газетаси бой тарихга эга, аниқ йўналиш, кенг ўқувчилар оммасига эга нуфузли нашрлардан бири.

1935 йилда «Сталин жолы» газетасидан бошланган нашр йиллар давомида кўплаб босқичларни мардонавор енгиб ўтди. Бу газета халқимиз ўз бошидан кечирган барча тарихий жараёнлар: Шўро тузуми, жамоалаштириш, индустрлаштириш, кооперациялар ва пайчилик ҳаракатлари, оммавий қатағон, Иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги ҳамда турғунлик даври ва ниҳоят, Қозоғистоннинг давлат мустақиллиги, унинг шонли саналарини мисли ўзида қуёшни акс эттирган қатра мисоли фаолият юритиб келмоқда.

Газета туманнинг кўплаб хонадонлари ва идораларга етиб бормоқда ҳамда улар, ҳеч қандай муболағаларсиз, туман ва шаҳар аҳлининг қувонч ва ташвишлари, ёруғ умидлари билан яшаб келмоқда. Шунинг ўзи ҳам бу нашрларнинг ҳаётий эҳтиёж эканлигини кўрсатиб турибди.

Бугун замон талабига кўра ўзгариб бораётган нашр давлат сиёсатини кенг тарғиб этувчи, халқ билан ҳокимият ўртасидаги олтин кўприкка айланди.

“Төлеби туы” газетаси Тўлебий туманининг бунёдкорлик фаолиятига оид солномасини ёзишга беқиёс ҳисса қўшди. Газета жамоаси оддий одамларнинг дарди ва ижтимоий муаммоларини дадил кўтармоқда.

Тадбирда ОАВ ходимларининг медиасаводхонликни ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, туман газеталарининг замонавий шароитдаги фаолияти ва ишончли оммавий ахборот воситаларига айланиш истиқболларига тўхталиб, рақобатбардошликни ошириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Туман газеталари жамоалари билан учрашувлар давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, туман оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, газета ва журналлар қандай мақом ва миқёсда бўлмасин, давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг ўткир қуроли. Буни ҳеч қачон назардан қочирмаслик керак. Қолаверса, улар билим, таълим ва тарбиянинг муҳим воситаларидан бири эканлигига ҳам шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.




Чунки, ҳали шу пайтга қадар газета ва журналлар мутолаасидан бирор киши зарар кўрмаган. Аксинча, ҳозирда газета-журналлар ва китоблар мутолааси ўрнини эгаллаган телефонлар, турфа тармоқлар орқали тарқатилаётган ҳар хил хабарлар ёшларни йўлдан адаштирмоқда.

Шу нуқтаи назардан, туман газеталарининг фаолияти билан танишиш, муаммоаларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган гуруҳнинг ушбу ташаббуси таҳсинга сазорвордир.

**“Жанубий Қозоғистон” мухбири.**

Янги Қозоғистон бунёдкорлари

# ИШ БОШИ – ИНТИЗОМ

**Эски Иқон қишлоғидаги “Туркистон-насия” МЧБ раиси Раҳмон Мавлонов (тасвирда) билан суҳбатимиз обуна масаласидан бошланди.**

Келгуси ярим йилликка ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотга шартнома асосида “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси обунасини кўпайтирди, тадбиркор ҳамқишлоқларига қўнғироқ қилиб, ёрдам ташкил қилди. “Туркистон – насия” МЧБ минтақадаги энг дастлабки молия ташкилотларидан бўлиб, 2003 йили марҳум Бўстон Камолов саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган. 20 йилдан зиёд вақт мобайнида қишлоқлардаги жуда кўп деҳқон, чорвадор ва боғбонларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун давлат бюджетидан насия берилди.



– Давлатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган насия сиёсатини амалга оширишда тинимсиз меҳнат қиляпмиз. Агар биздан насия олган барча фуқаролар қарзини ўз вақтида тўлаб боришганида эди, янги мижозларга, хусусан ёшларга ҳам насия олиб, корига ишлатишга тўлиқ имкон бўларди. Халқимизда иш боши – интизом, деган нақл бор. Шу боис, ҳамюртларимизни тартибга риоя қилишга, бизни қонун асосида чора кўришга мажбур қилмасликка чақираман, – деди Р. Мавлонов.

Суҳбат поёнида Раҳмон Мадихон ўғли марҳум собиқ ҳамкасби, Эски Иқон қишлоғида Совет Иттифоқи даврида ташкил этилган давлат хўжалигига самарали раҳбарлик қилган ҳурматли ҳамқишлоғи, Қозоғистон Олий Кенгаши депутати бўлиб сайланган Эркин Аббосов таваллудига 85 йил тўлиши муносабати билан хусусан, қишлоқ фаоллари, шогирдлари саъй-ҳаракатлари ила хотира кечаси ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилаётганлигини маълум қилиб, газета саҳифаларида ёритилишини сўради.

Ўз навбатида фаол обуначимиз, эскииқонлик фахрий оқсоқол Ирисқул Аббосовга мурожаат қилиб, тенгдоши Эркин Аббосов ҳақида хотираларини жамлаб, мақола ёзиб беришини илтимос қилдик.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Хотира – муқаддас, қадр – абадий!

# Ўсмонали Раҳимбой ўғли ҚОДИРОВ



Туркистон вилояти, Тўлебий тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, ҚР ўзбек ЭМБларининг “Дўстлик” ҳамжамияти раиси ўринбосари, Тўлебий туманининг фахрий фуқароси Ўсмонали Қодиров 1957 йили 18 сентябрда Жанубий Қозоғистон вилояти, Тўлебий туманининг Алишер Навоий қишлоғида туғилган.

1974 йили Ал Форобий номли ўрта мактабни, 1979 йили Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтининг бадиий графика факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1979-1981 й.й. шу институтда санъат тарихи ўқитувчиси, 1981-1998 й.й. Тўлебий тумани таълим бўлимида услубиятчи, мактаблар нозири, бўлим мудирининг ўринбосари, 1999-2003 й.й. туман ҳокимининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2003 йилнинг март ойидан нафақага чиққунга қадар Тўлебий туманидаги “Тағайна” умумтаълим мактабининг директори вазифасини муваффақиятли адо этди.

Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдаги, ёш авлодга таълим ва тарбия беришдаги кўп йиллик хизматлари ҳамда вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига қўшган хиссаси учун “ҚР Мустақиллигининг 10 йиллиги”, “ҚР Қуролли Кучларининг 20 йиллиги” юбилей медаллари, ҚХА “Бірлік” олтин медали, вилоят ва туман ҳокимларининг, вилоят ҳамда туман маслаҳатларининг фахрий ёрлиқлари, “Туркистон вилоятининг ҳурматли фахрийси ” кўкрак нишони билан тақдирланган. «ССРИ Маорифи аълочиси», ҚР Халқ таълими аълочиси кўкрак нишонлари соҳиби.

Халқаро Руҳшунослик фанлари Академиясининг фахрий академиги.

Тўлебий туман жамоатчилик кенгаши аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол иштирок этган.

1999 ва 2003 йилларда Ў. Қодировнинг ташаббуси билан Тоғойна қишлоғидаги мактаб янгиланиб, қўшимча синф хоналари, кутубхона, ошхона, устахона, тиббиёт хонаси, спорт зали барпо этилди.

Бутун онгли ҳаётини юрт бирлигини мустаҳкамлашга бағишлаган, вилоятимизда халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ўсмонали Раҳимбой ўғлининг ёрқин сиймоси уни таниган ва билганлар қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади.

Ўсмонали Қодировнинг яқинлари, оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**“Тағайна” умумтаълим мактаби жамоаси.**
**“Тағайна” умумтаълим мактабининг касаба уюшмаси.**

# ЭЛГА ЕЛКАДОШ БЎЛИШ – БАХТ

**Жорий йил октябрь ойининг сўнгги якшанбасида ижтимоий соҳа ходимлари куни ўзгача шукуҳда кенг нишонланди. Оила аъзолари орасида ақлий ва жисмоний кемтикликка эга, имконияти чекланган аъзоси борки, ижтимоий соҳа вакилларини ҳам ўз оиласининг аъзоси деб билишади.**

Шундай оилаларга маънавий ёрдам бераётган, муттасил хабар олиб, уларни парваришлашда озми-кўпми хизмати бор, маслаҳати ҳамда йўл-йўриқлари билан тавсиялар бера олаётган, эҳтиёжманд одамларнинг маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган касб соҳибларининг жамиятимиздаги ўрни беқиёс. Бундай хизматда ўз юрти ҳамда халқининг чинакам фидойилари меҳнат қилишади. Агар улар бу соҳани дуруст маошлари учун танлашган, десак, қаттиқ янглишган бўламиз.

Бу соҳа вакиллари ўзининг беминнат хизмати билан элнинг дуосини олишади, хастадиллар қалбига оз бўлса-да, қувонч ва нур олиб кириш илинжида савоби мўл ушбу соҳани танлашади. Руҳий хасталиги, жисмоний имкониятларининг чекланганлиги туфайли соғлом инсонлар сингари тўкис яшашни орзу қиладиган ва умр бўйи бунга интилиб келган инсонларнинг ҳолидан хабар олишади, даволаниш босқичларини кузатиб, яхши натижалар сари илҳомлантиришади, жисмоний ва ақлий меҳнатга рағбатлантиришади. Улар аллақачон кўнгли ярим оилаларнинг азиз дўсти, ҳатто оила аъзоларига ҳам айланиб улгуришган.




Навбатдаги тадбирни уюштиришда жонбозлик кўрсатаётган Сайрам тумани бандлик ҳамда ижтимоий дастурлар бўлимининг «Ижтимоий хизмат кўрсатиш” ДККда фаолият юритаётган Илҳомжон Абдукаримов касбининг ҳақиқий фидойиси. 100дан зиёд ходим меҳнат қилаётган жамоада ўз ўрни, мавқеига эга. Байрам арафасида у билан учрашиб, ишининг ўзгача жиҳатлари билан қизиқдик.

– Ҳамкасбларимиз билан биргаликда ҳамма ўзига бириктирилган ҳудудда 18 ёшдан ошган асаб касалликларига чалинганлар ҳамда имконияти чекланган болаларга хизмат кўрсатамиз. Уларнинг ҳолидан хабар оламиз, ҳафтанинг белгиланган кунлари хонадонларига бориб, биргаликда дарс қилишга ҳаракат қиламиз. Кўзи ожиз ҳамюртларимизга китоб ҳамда рисолаларни мутолаа қилиб берамиз, бир соат мобайнида гурунглашиб, уларга далда беришга ҳаракат қиламиз. Улар орасида “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг доимий обуначилари ҳам бор. Таҳририятга ташаккур, хайрия тадбири доирасида шундай обуначиларга хайрия обунасини расмийлаштирди. 20дан зиёд обуначиларимиз газетани мутолаа қилишади. Уларни зиёрат қилиш билан бирга, газетанинг янги сонини етказиб берамиз ҳамда қизиқарли мақолаларни уларга ўқиб берамиз. Ўша пайтда улардаги шодликни кўрсангиз эди. Мақола қаҳрамонларининг тақдирида ўзларини кўраётгандек, келажаги ҳам шундай истиқболли бўлади, деган ишонч билан тинглашади ҳамда биз уларни кўзларида порлаб турган ишонч учқунлари билан тарк этамиз, обуначиларимизга газетамиз ўзига хос рағбат вазифасини ўтайди. Она тилимизни севиб, қадрлайдиган, ўз она тилида фикрлаб, мулоҳазаларини эркин баён этадиган, ходимларимиз хизматидан фойдаланиб, ундаги мақолаларни ўзи ўқий олмаса ҳам, биз мутолаа қилиб беришимизни интиқлик билан кутадиган ҳамюртларимиз – биз учун ардоқлидир. Халқ минбарининг айнан шундай муштарийлари маънавиятимиз юксалишига ҳисса қўшади, миллатпарвар муштарийлари сафини кенгайтиради, – дейди Илҳомжон Абдукаримов.

... Ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом инсонлар учун одатий ҳаракатлар ҳамда ишлар соғлом инсонлар ёрдамига эҳтиёжманд ҳамюртларимиз учун ифодалаб бўлмас бир улкан чўққи эканлигини тўғриси, ҳамма ҳам англайвермайди. Афсус, бу неъматлар доим ҳам қадрланавермайди. Зиммасидаги шундай инсонларга елкасини тутиб яшаш вазифасини шараф билан адо этаётган заҳматкаш касб фидойилари – ҳақиқий меҳнат одамларидир. Уларнинг жамиятдаги ўрни беқиёс. Улар кўнгли ўксик инсонларнинг шодлигида ўз бахтини топиб яшайдилар, дуоларини оладилар. Уларнинг ҳокисорлиги ҳамда эзгулигидан олам мунаввар!

**М. САЪДУЛЛАЕВА.**

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Тўлебий туманидаги «Тағайна» мактаби директори Жамолхон Қодировга падари бузруквори, ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти раиси муовини, туман ЎЭМБ раиси

**Ўсмонали ҚОДИРОВ-**

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Сайрам тумани, Оқсувкент қишлоғидаги М. Ауезов номли мактаб директори Маъмуржон Нуровга турмуш ўртоғи

**Аноржон МАЛИК қизи-**

нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Сайрам тумани маркази – Оқсувкент қишлоғидаги М. Ауезов номли мактаб жамоаси ушбу илм маскани директори Маъмуржон Нуровга турмуш ўртоғи

**Аноржон МАЛИК қизи-**

нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Саврон тумани, Эски Иқон қишлоғидаги Ал Форобий номли мактаб жамоаси директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Насимий Мамедовга падари бузруквори, шоир

**Эргаш МАММАТ ўғли-**

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

# Мукофот муборак!

**Ҳурматли ҳамкасбларимиз, маориф соҳасида кўп йиллик самарали меҳнатлари билан эъзоз топган, Ал Форобий номли умумтаълим мактабининг тажрибали ўқитувчилари – бошланғич синф ўқитувчиси Жамила Бойбекова ҳамда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Наргиза Холметовалар (тасвирларда) анъанавий ўқитувчилар куни арафасида юксак мукофотга ноил бўлдилар.**




Хусусан, ҚР Таълим вазири Ғ. Бейсембаевнинг 18 сентябрда имзолаган ҳужжати асосида қадрли ҳамкасбларимиз ёш авлод таълим-тарбиясига қўшган ҳиссаси учун "И. Алтинсарин" кўкрак нишони билан тақдирландилар. Ўқитувчилар ва ота-оналар номидан ҳамкасбларимизни юксак мукофот билан муборакбод этиб, янги зафарлар тилаймиз.

**Қувонч НИШОНБОЕВ,**
**Ал-Форобий номли мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини.**

Бир туман хабарлари



# "ЭЛЬ-ДЕНГИЗ" САВДО БЕЛГИСИ ОСТИДА

**Туман ҳокими А. Сабитов Манкент қишлоғидаги Нодир Читилов бошқараётган «YUG-GROUP-INVEST» МЧБга ташриф буюриб, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехнинг фаолияти билан танишди.**

Жорий йил март ойида ишга туширилган корхона аҳолини "Эль-денгиз" савдо белгиси остида турли сут маҳсулотлар билан таъминламоқда. 20 нафар киши доимий иш билан таъминланган.

Туман раҳбари "Қишлоқ омонати" дастури доирасида кичик насия олиб, маҳсулот кўламини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

# КУЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ ЎТДИ



**Сайрам тумани таълим бўлимининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида "Кузги ҳашар – 2024" мавзуида кузги маҳсулотлар ярмаркаси ўтди.**

"Тракторчи-машинист" мутахассислиги гуруҳи уюштирган тадбирнинг мақсади – ўқувчиларда меҳнат кўникмасини шакллантириш, дўстликни тарғиб қилиш, куз фасли тўкинлик ва барака ойи эканлигини тушунтириш эди.

Тадбирда иштирок этган муассаса директори С. Султонов кузги йиғим-терим фаоллари – боғбонлар ва ўқувчиларга миннатдорчилик билдирди.

Таъкидлаш жоиз, ўтган ўқув йилида "Зиёбек" деҳқон хўжалигида олиб борилган ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари давомида ўқувчилар турли экинларни етиштириш жараёни билан танишган эдилар. Жорий ўқув йилида улар меваларни қиш мавсумига сақлаш, шунингдек, савдога чиқаришни ўргандилар.

Бугунги кунда мазкур таълим масканида 3285 нафар ўқувчи автомобиль бизнеси, уларни таъмирлаш, тракторчи-машинист, чилангар, дурадгор, рассом ва безакчи, тикувчилик, ошпазлик, идора менежери, ўқитувчи ёрдамчиси, сартарошлик, ҳамширалик, мобилограф йўналишларида таълим олмоқда.

**З. МЎМИНЖОНОВ.**

Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

# "АРМАН-М SCHOOL" МАКТАБИНИНГ ЮТУҒИ

**Мактабимизнинг иқтидорли ўқувчилари Шимкент шаҳрида ўтган "Заковатли Келажак: Сунъий заковат ва фан синтези" мавзуида республика илмий-тадқиқот лойиҳалари танловида муваффақиятли иштирок этиб, яхши натижаларга эришди.**



Мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида "Ёш олим" илмий жамияти фаолият юритмоқда. Унга камина етакчилик қилади. Аввалги танловларда ғолибликка эришган устоз ва ўқувчиларни саралаб, Шимкент шаҳрига йўл олдик. Теран билими ва зукколиги билан муваффақиятга эришган ғолиб ўқувчиларимиз билан таништирмоқчиман.



3-"А" синф ўқувчиси Элбек Абдуллаев "Қасиетті киіз үй" мавзуидаги лойиҳасини ҳимоя қилиб, бош совринга сазовор бўлди (етакчиси Дилфуза Азизбекова).

Табиий фанлар йўналиши бўйича 2-"А" синф ўқувчиси Муҳриддин Озодов "Қызылшадан табиғи бояу және сусын алу" мавзуидаги лойиҳаси (етакчиси Дилафрўз Ибодуллаева) ҳамда 10-"Б" синф ўқувчиси Динора Маннопова кимё фанидан "Цианотипия усулида кимёвий йўл билан фотосурат ишлаш" мавзуидаги лойиҳаси (етакчиси Шаҳзода Ниёзова) билан иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Ҳуқуқшунослик фанидан 9-"А" синф ўқувчиси Элбек Вафобеков "Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" (етакчиси У. Алимбоев), 8-"А" синф ўқувчиси Бунёд Юданов "Математика ўйинлари ва мантиқий ҳисоблар" (етакчиси М. Қудретова), 7-"А" синф ўқувчиси Ойбек Шокиров "Дарахт япроғидаги математика" (етакчиси Д. Анорбоева), гуманитар фанлар йўналиши бўйича 9-"А" синф ўқувчиси Зиёда Турсунбоева шоир М. Жумабаевнинг "Балалық шағы" өлеңінің бүгінгі күнмен үндестігі" шеъри жанридаги илмий иши (етакчиси С. Шерметов), 8-"А" синф ўқувчиси Умида Зайниддин "Вақтинча тишлар ҳақида нима биламиз" мавзуида (етакчиси О. Гулжайна), 6-"А" синф ўқувчиси Дурдона Тўрахонова "Қозоқ миллий таоми – қурт" (етакчиси О. Солиева) мавзуидаги лойиҳалар фахрли иккинчи ўринга муносиб топилди.

Ғолиб ўқувчилар медаль, диплом ва ташаккурномалар билан тақдирланди. Танлов ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирамиз.

**Саъдулла ШЕРМЕТОВ,**
**Туркистон шаҳридаги "Арман-М school" умумтаълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

**Тасвирларда:** ғолиб ўқувчилар ва ўқитувчилар.

"Обуна – 2025"

# "Жанубий Қозоғистон"ни қўллаб-қувватлаймиз!



**Жонажон, қадрдон нашримиз "Жанубий Қозоғистон"нинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. У бирон сабаб билан кечикиб қолса, дарҳол қишлоғимиздаги почтадан сабабини суриштираман.**

Хуллас, "Жанубий Қозоғистон" – яқин дугонам, суҳбатдошим, сирдошимга айланган. Ўзим ўқитувчи бўлиб ишлаганим боис, ҳанузгача маориф, маънавият, маданият ва санъат масалаларига оид мақолаларни катта қизиқиш билан ўқийман.

Сўнгги пайтларда газета саҳифаларида ранг-баранг, сермазмун мақолалар эълон қилинмоқда. Жумладан, "Инсон умри давомида ўқиши керак бўлган 10та китоб", "Саломатлик – туман бойлик", "Турмуш чорраҳаларида", "Яхшилар ёди" каби рукнлар остида берилаётган мақолаларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўз ишининг билимдонлари, узоқ йиллар давомида таҳририятда хизмат қилиб, элга танилган З. Мўминжонов, А. Абдуфаттоҳ, М. Саъдуллаева, М. Усмонова каби журналистларнинг мақолаларидан олам-олам завқ оламан.

Ҳурматли ҳамюртлар! Шу кунларда даврий нашрларга обуна давом этмоқда. Ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, "Жанубий Қозоғистон" газетасиададининг кўпайишига ҳисса қўшайлик, жонажон ва севимли нашримизни қўллаб-қувватлайлик!

**Башорат АБДУВОҲИДОВА.**
Т. Рисқулов қишлоғи,
Тулкибош тумани.

# БАРЧА ЭЗГУЛИКЛАР ТИЛДАН БОШЛАНУР

**Шимкент шаҳрида ўтган «Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни»да 52-сонли мактаб-лицейимиз жамоаси «Абай дара, Абай дана!» мавзуида кўргазма тайёрлади.**

Буюк қозоқ мутафаккири Абай Қунанбаевнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар, расмлар ва асарларни намойиш этдик. Ўқувчиларимиз оқиннинг шеърларидан ифодали ўқишди, Абай сиймосини кичик саҳна кўринишларида акс эттиришди. Бу каби тадбирлар юртимиздаги тинчлик, фаровон турмушимиз туфайли кенг нишонланмоқда. Менимча, ҳар қандай касб эгаси бу каби тантаналарда қатнашиб, фахрланиши керак. Маънавият, қадрни кўтариш учун ҳам тилларни ўрганишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Қозоғистон Республикасида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинмоқда, уларни ривожлантириш учун барча шароитлар муҳайё. Буюк аллома Маҳмуд Қошғарий «Барча эзгуликлар тилдан бошланур», деганидек, инсон қалбида борини она тили орқали етказади. Қалби гўзал одамнинг тили ҳам гўзал бўлади. Биз, тилшунос муаллимларнинг энг шарафли вазифамиз ҳам шу. Бола тафаккурининг тиниқ кўзгуси – тилини ривожлантиришимиз керак. Буни, нафақат мактаб жамоаси, балки ота-оналар ҳам чуқур англашлари зарур. Афсуски, бугунги кунда айрим ота-оналар болага тил ўргатиш муҳимлигини тушунмайдилар.

Тил борасидаги ютуқларимиздан бири шуки, мактабларимизда таълим-тарбия жараёни 3та тилда олиб борилаётир. Билингвал мактабларнинг борлиги ютуғимиз, ноёб тажрибамиз.



Ҳозирги пайтда ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этар экан. Шунинг учун ҳам она тилимизни эъзозлайлик, азизлар!

**Муборак ИСМАТУЛЛАЕВА,**
**ўқитувчи.**

# СПОРТ МАЖМУАСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



**Республика куни арафасида Сўзоқ тумани, Жуантўбе қишлоғида иккита спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

Туман ҳокими Мухит Турисбековнинг аҳоли билан учрашувида билдирилган таклиф эътиборга олиниб, биринчи навбатда Тўлебий кўчаси бўйидаги кичик футбол майдони тубдан таъмирланди. Шунингдек, аҳолининг талабига кўра, қишлоқ клуби қошида замонавий машғулотлар зали очилди.

Туман ҳокими Жуантўбе қишлоғига хизмат сафари давомида янги ижтимоий биноларни оралаб, аҳоли билан мулоқотда бўлди. Ушбу спорт майдони туман ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, уларни спортга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазиғурт – Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR-print" МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 11000 нусха.
Буюртма: 2655.
Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА